

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Эгамбердиев Бахтиёр Азимович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси магистратура тингловчиси

Аннотация: мақолада Украина, Қозоғистон, Россия, Қирғизистон, Литва, Тожикистон, Молдова, Беларусь ва Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун нормасида назарда тутилган тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари қиёсий таҳлил қилиниб, илмий асослантирилган таклифлар билдирилган.

Таянч сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, вазифа, жиноятларнинг олдини олиш, қидирув иши, моддий зарарни ундириш.

Тезкор-қидирув фаолиятини турли вазифаларини атрофлича таҳлил қилиш ва уни ўрганишда хорижий давлатлар қонунчилигига мурожаат қиламиз. Хусусан, Украина Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “Украина жиноят кодексида назарда тутилган шахслар ва гуруҳларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги фактик маълумотларни излаш, қайд этиш; хорижий давлатлар ва ташкилотларнинг махсус хизмати разведка ва кўпоровчилик фаолиятига чек қўйиш мақсадида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жиноят ишини юритиш манфаатини кўзлаб, шунингдек, шахс, жамият ва мамлакат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ахборот тўплаш”¹ мазмунидаги вазифалар белгилангани Украина қонунчилигига кўра, тезкор-қидирув фаолияти ички ва ташқи вазифалардан иборатлигини кўриш мумкин.

Қозоғистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “инсон ва фуқароларни ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини, мулкни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш; жамият, давлат хавфсизлигини таъминлаш, унинг иқтисодий салоҳияти ва мудофаа қобилятини мустаҳкамлашга кўмаклашиш; жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва барҳам бериш; жиноят содир этган шахсларни, шунингдек жиноят ишига тегишли нарсалар ва ҳужжатларни аниқлаш; суриштирув ва тергов органларидан яширинган, пробация назорати остидагилар, бедарак йўқолганларни қидириб топиш, таниб олинмаган мурдаларни шахсни аниқлаш; Қозоғистон Республикаси Президенти ва бошқа ҳимояланган шахсни хавфсизлигини таъминлаш; Қозоғистон Республикаси давлат чегарасини ҳимоя

¹ Закон Республики Украины от 18 февраля 1992 г. No 2135-ХП «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://online.zakon.kz>. (мурожаат вақти: 20.01.2024)

қилишни таъминлаш; давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш; тижорат сирларини ҳимоя қилишда ташкилотларга ёрдам бериш; ҳибсга олиш ёки озодликдан маҳрум қилиш жойларида Қозоғистон Республикаси қонунчилигида белгиланган режимни сақлаш; гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, маҳкумлар, қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жойларида ходимлар ва бошқа шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш; тезкор-тергов фаолияти билан шуғулланувчи органлар хавфсизлигини таъминлаш”² мазмунидаги ўндан ортиқ вазифаларни белгилангани, Қозоғистон қонунчилигига кўра, тезкор-қидирув фаолиятини асосий вазифалари инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ва жазонинг муқаррарлигини ҳамда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлигидан далолат бермоқда.

Россия Федерациясининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш ва фош этиш, шунингдек, тайёрланаётган, содир этаётган ёки содир этаётганларни шахсини аниқлаш; суриштирув, тергов ва суд органларидан яширинган шахсни, жиноий жазодан қочиб юрганлар, бедарак йўқолганларни қидириш; Россия Федерациясининг давлат, ҳарбий, иқтисодий, ахборот ёки экологик хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳодиса, ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик тўғрисида маълумот олиш; фуқаролик иши бўйича жарима ундириш, мулкни мусодара қилиш ва бошқа мулквий зарарни қоплаш ҳақидаги суд ҳукмларини бажарилишини таъминлаш”³ каби вазифаларнинг назарда тутилгани Россия қонунчилигига кўра, тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифаларига инсон ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш, жиноятчиликка оид ҳамда мулквий зарарни ундиришга доир масалаларни ҳал этиш белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Қирғизистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар махсус хизматларининг разведка ва қўпоровчилик фаолиятини аниқлаш, олдини олиш, барҳам бериш; Қирғизистон Республикаси давлат чегарасини ҳимоя қилинишини таъминлаш; жиноятларнинг олдини олиш, бартараф этиш ва фош этиш, шунингдек уларга тайёрланаётган, содир этаётган ёки содир этганларни шахсини аниқлаш; тергов, суд ва органларидан яширинган шахсларни, жазони ўташдан бўйин товлаётган, шунингдек бедарак йўқолганларни қидириш; тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг хавфсизлигини таъминлаш”⁴ каби тўрт вазифаларнинг

² Закон Республики Казахстан от 15 сентября 1994 г. No 13 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://online.zakon.kz>. (мурожаат вақти: 20.01.2024)

³ Федеральный закон Российская Федерация от 12 августа 1995 года No 144-ФЗ «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://www.Consultant.ru>. (мурожаат вақти: 20.01.2024)

⁴ Закон Кыргызской Республики от 16 октября 1998 года No 131 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://cbd.minjust.gov.kg> (мурожаат вақти: 20.01.2024)

белгилангани тезкор бўлинмаларнинг ушбу вазифаларни бажариш билан бир қаторда шахсий хавфсизликни таъминланиши, муҳим вазифалардан эканлигини кўрсатмоқда.

Литва Республикасининг “Тезкор фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш; жиноий ҳаракатларни аниқлаш, шунингдек, жиноий ҳаракатларга тайёрланаётган, содир этиш ниятида бўлган ёки содир этган шахсларни аниқлаш; шахсларни жиноий таъсирдан ҳимоя қилиш; судгача тергов ёки суддан яширинган шахсларни, шунингдек бедарак йўқолганларни қидириш; давлатнинг конституциявий тузумига, унинг мустақиллигига, иқтисодий хавфсизлигига таҳдид соладиган, давлатнинг мудофаа қудратини ёки бошқа муҳим миллий хавфсизлик манфаатларини таъминлайдиган хатти-ҳаракатларни аниқлаш ва олдини олиш; объектлар, пул, қимматли қоғозлар, жиноят қуроли ёки далил бўлиши мумкин бўлган бошқа мол-мулк қидириш; давлат сирларини ҳимоя қилиш; бошқа давлатларнинг махсус хизматлари фаолиятини текшириш; тезкор фаолият субъектларининг иммунитетини ва хавфсизлигини таъминлаш”⁵ каби вазифаларни белгиланиши, Литва қонунчилигидаги вазифалар Украина қонунчилигига ўхшаб, тезкор-қидирув фаолияти ички ва ташқи вазифалардан таркиб топганлигини кўришимиз мумкин.

Тожикистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда: “жиноятларни олдини олиш, аниқлаш, барҳам бериш ва фош этиш, шунингдек жиноятга тайёрланаётган ёки содир этган шахсларни аниқлаш; суриштирув, тергов ва суд органидан яширинган, жиноий жазони ўташдан қочган шахсларни қидириш, шунингдек, бедарак йўқолганларни қидириш; Тожикистон Республикасининг инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, жамоат, давлат, ҳарбий, иқтисодий, ахборот ёки экологик хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳодисалар, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тўғрисида маълумот олиш; суд томонидан мусодара қилиниши лозим бўлган мулкнинг номи ва жойлашган жойини аниқлаш; ахборот тизимларининг хавфсизлигини таъминлаш”⁶ каби 5 та муҳим вазифаларнинг белгилангани тезкор бўлинмалардан биринчи навбатда инсон ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш ва уларга етказилган моддий зарарни ундирилишини англатади.

Молдова Республикасининг “Махсус-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “жиноий тажовузларни аниқлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва барҳам бериш, уларни содир этишга тайёрланаётган ёки содир этганларни шахсини аниқлаш; жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш; бедарак

⁵ Закон Литовский Республики от 20 июня 2002 г. No IX-965 Вильнюс «Об оперативной деятельности» // Электрон манба: <https://e-seimas.lrs.lt/> (мурожаат вақти: 20.01.2024)

⁶ Закон Республики Таджикистан от 25 марта 2011 года No 687 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://www.ncz.tj/content/> (мурожаат вақти: 20.01.2024)

йўқолганлар, тергов ва суд органларидан яширинган, жазоларни ижро этишдан қочиб юрган шахсларни қидириш; ноқонуний фаолиятдан олинган мулкни аниқлаш ва ушбу мулкни келиб чиқишига оид далилларни тўплаш; давлат хавфсизлигига таҳдид соладиган воқеалар, ҳаракатлар тўғрисида маълумот тўплаш”⁷ каби вазифаларнинг белгилангани, махсус-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи қидирув офицерининг далилларни тўплаш билан боғлиқ мақоми қонуний мустаҳкамланганлигини тушуниш мумкин.

Беларусь Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “Беларусь Республикаси миллий хавфсизлигига таҳдид соладиган воқеалар ва ҳаракатлар тўғрисида маълумот тўплаш; жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, барҳам бериш, шунингдек уларни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этган фуқароларни аниқлаш; жиноий тергов органидан ёки суддан қочиб кетган ва (ёки) ушбу органларга жойи номаълум бўлган айбланувчиларни, ғойиб бўлган (изсиз ғойиб бўлган) фуқароларни, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жазога ҳукм қилинганларни қидириш; вафот этган (ўлган) фуқароларнинг шахсига оид маълумотларини аниқлаш; соғлиғи ёки ёши туфайли ўзи ҳақида маълумот бера олмайдиган фуқароларнинг шахсий маълумотларини яратиш; жиноят процессида хатланадиган ёки хатланишиш мумкин бўлган мулкни аниқлаш; тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга ноошкора тарзда ёрдам кўрсатган ёки ёрдам кўрсатаётган фуқароларни, уларнинг яқинларини хавфсизлигини, шунингдек, мол-мулкни жиноий тажовуздан сақланишини таъминлаш, қонун ҳужжатиغا мувофиқ бошқа фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш; тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга ноошкора кўмаклашадиган фуқароларнинг тезкор-қидирув тадбирларида иштирок этишида уларнинг ҳаёти ва соғлиғи атроф-муҳит учун хавф туғдирадиган объектда хавфсиз ишни ташкил этилиши тўғрисида маълумот тўплаш, давлат сирини ҳимоя қилиш” каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида тезкор-қидирув фаолиятининг қуйидаги: “инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилинишини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш; жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларни фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш; суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни, бедарак йўқолган шахслар ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни

⁷ Закон Республики Молдова от 29 марта 2012 года №59 «О специальной розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://base.spinform.ru> (мурожаат вақти: 20.01.2024)

қидиришни амалга ошириш, шунингдек таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш; шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ҳодисалар, ҳаракат (ҳаракатсизлик) ҳақида ахборот тўплаш”⁸ каби асосий вазифалари белгиланганини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Шунингдек, ҳуқуқшунос Х.Ш.Якубов тезкор-қидирув фаолиятининг жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш вазифасига нафақат жиноят балки ҳуқуқбузарликларни ҳам қамраб олишини қонунчилик даражасида белгилаш лозимлиги⁹ тўғрисида хулосага келган.

Тезкор-қидирув фаолиятининг вазифалари юзасидан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун нормалари таҳлил қилинганида биринчидан, ўрганилган қонун нормасида 9 та давлатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифалари белгиланганлиги; иккинчидан, жиноятларни олдини олиш, аниқлаш, барҳам бериш ва фош этиш, қидирув ишини амалга ошириш каби вазифалар қонун нормасида белгиланганлиги; учинчидан, Литва ва Молдова қонунларида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ходимларни келгусида далил бўлиши мумкин бўлган ашё, нарса ва предметларни тўплаш вазифасини белгилангани; тўртинчидан, Россия ва Тожикистон қонунларида фуқаролик иши бўйича жарима ундириш, мулкни мусодара қилиш ва бошқа мулкий зарарни ундириш ҳақидаги суд ҳукмларини бажариш, мусодара қилинган мулкнинг номи ва жойини аниқлаш, жисмоний ва юридик шахсларга мулкий ҳамда давлатга етказилган моддий зарарни ундириш вазифаларининг назарда тутилганлигини таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида “инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилинишини” вазифаси кўрсатилган бўлиб, ушбу вазифани мазмунидан мол-мулкга жинойий тажовуз бўлганида ушбу қилмишни содир этган шахсни аниқлаш, мол-мулкни топиш, жиноят ишига далил сифатида тақдим этиш каби ҳаракатларни қамраб олади. Хориж тажрибасига асосланиб, етказилган моддий зарарни қоплаш чорасини кўриш каби вазифаларни “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунга киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги 344-сон “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/> (мурожаат вақти: 20.01.2024)

⁹ Якубов, Х. Ш. (2023). ТЕЗКОР ЭКСПЕРИМЕНТ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРИНИНГ ТУШУНЧАСИ. *Лучшие интеллектуальные исследования*, 11(5), 172-186.